O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Ishtixon tumani
H O K I M I
QARORI

Р Е Ш Е Н И Е
Х О К И М А
Иштыханского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704,г.Иштыхан ул.Иштыханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2018 у.г «21» сентябр № 2538-б Ishtixon sh.-г.Иштыхан

**Тумандаги Митан шаҳарчаси А.Темур кўчаси худудидан давлат хусусий шерикчилик асосида "Болалар боғчаси" қуриш учун Кличев Бунёдга ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёнини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.04.2018 йилдаги "Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3651-сонли Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида тузилган туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"ни 36- моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни маълумот учун қабул қилинсин. туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Кличев Бунёдга Митан шаҳарчаси А.Темур кўчаси худудида жойлашган туман ҳокимлиги захира фони хисобидаги ер майдонидан 100 (юз) ўринли давлат хусусий шерикчилик асосида "Болалар боғчаси" қуриш учун 0.33 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Фуқаро Кличев Бунёдга ажратилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда вилоят экалогия экспертизасидан экологик хулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа хужжатларини тайёрлатиш ҳамда тегишли ташкилотларнинг рухсати олингандан сунг қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в,в,б(М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га "Болалар боғчаси" бино иншоотлари қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини Давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** Ш.Негматов